



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“UZSUNGWOO” МЧЖ кўшма

корхонаси Бош директори

Ш.Моминжонов

2022 й.

1. Кўрсатиладиган хизматларнинг номи:

Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Аэропорт кўчасида 68 уйда жойлашган “UZSUNGWOO” МЧЖ кўшма корхонаси худудида “Hot stamping” лойихаси доирасида “Мавжуд бино-иншоотларни реконструкция қилиб, бўш ер майдонига кўшимча ишлаб чиқариш биноси” қуриш (Бажарилган ишлар қиймати - 12 471 519 318 сўм) ишлари юзасидан назорат ўлчови ўтказиш. (Барча қийматлар ҚҚСиз кўрсатилган).

2. Назорат ўлчовининг объекти хисобланади:

- 2.1 Объектнинг Лойиха ва ишчи хужжатлари;
- 2.2 Объектнинг лойиха хужжатлари;
- 2.3 Объектнинг бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномари;
- 2.4 Объектнинг имзоланган шартнома хужжатлари;
- 2.5 Амалда бажарилган қурилиш-монтаж, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларида кўлланилган материал ва жихозлар рўйхати;
- 2.5 Объект бўйича ижро хужжатлари (схемалар, чизмалар, умумий журнал ва бошқалар);

3. Назорат ўлчови асосий вазифалари:

- 3.1 Объектни тиклашнинг молиявий ва иқтисодий рискларини таҳлил қилиш;
- 3.2 Ишчи лойиха, ижро хужжатлари, смета, офёрта ва бирламчи бухгалтерия хужжатларини ўрганиб чиқиш;
- 3.3 Амалда тугалланган барча қурилиш-монтаж ишларини жойига чиқиб назорат ўлчовидан ўтказиш;
- 3.4 Қурилиш ва монтаж ишларини натижаларини назорат ўлчови ўтказиш (курилиш майдонида амалда бажарилган ишлар аниқланади);
- 3.5 Бажарилган ишларнинг хақиқий ҳажмини аниқлаш, бирламчи бухгалтерия хужжатлари маълумотлари билан таққослаш;
- 3.6 Натижаларни бирламчи бухгалтерия ва ижро хужжатлари маълумотлари асосида лойиха ва ишчи хужжатлар талаблари билан солишириш (ишларнинг таркиби ва сифати ва фойдаланилган материалларнинг лойиха талабларига мос келишилиги, қурилиш майдончасидаги факт ва қурилган техник хужжатлар ўртасидаги номувофиклик фактлари аниқланади.);
- 3.7 Қурилиш обьектларида қурилиш материалларининг ҳажмини, калькуляциясини, техник параметрларини ва сифатини буюртмачи ва пурратчи

ташкилот ўртасида ўзаро расмий келишув, пудрат шартномаси, оферта, лойиха хужжатлари ва хисоботлар асосида қўлланилганлигини текшириш;

3.8 Назорат ўлчовини ўтказиш жараёнида аникланган барча маълумотларни хисобга олган ҳолда локал сметалари, объект сметаларини тузиш

4. Техник аудит ўтказиш мақсади:

- 4.1 Объектнинг барча молиявий ва иқтисодий рискларини аниглаш ва бартараф этиш;
- 4.2 Лойиха-смета хужжатлари ва қурилиш хужжатларидаги назорат ўлчовлари пайтида аникланган номувофиқликларни бартараф этиш;
- 4.3 Тегишли Кўшимча келишувни имзолаш учун локал сметалари, объектлар сметаларини тайёрлаш

5. Назорат ўлчови натижалари хulosаси қўйидагилами ўз ичига олиши керак:

- Бажарилган қурилиш-монтаж ишлари тўғрисида хисобот;
- Бажарилган қурилиш-монтаж ишлари юзасидан фотоматериаллар;
- Бажарилган қурилиш-монтаж ишлари юзасидан ўтказилган инструментал назорат ўлчови маълумотлари;
- Қурилиш-монтаж ишларининг амалда бажарилган иш ҳажмлари хисоби;
- Амалда бажарилган ишларни лойиха-смета хужжатлари билан мувофиқлигини баҳолаш;
- Пудратчи ташкилот томонидан тақдим этилган ижро хужжатларини сифатини изохлар билан баҳолаш,
- Объектда амалда бажарилган ишларнинг (турлари бўйича) қийматини шартнома, лойиха ва ижро хужжатларига мувофиқ, хисобланган меъёрлар асосида баҳолаш;
- Объектдаги ишларнинг қийматини (иш турлари бўйича) шартнома ва лойиха хужжатларига мувофиқлигини смета нормативларига асосан баҳолаш;

6. Хулоса буюртмачига қўйидаги холатда топширилиши керак:

- қоғозга чоп этилган холатда - 3 нусхада;
- электрон кўринишида (дискда, флешкада, word, эксел ва пдф форматларда) - 1 нусхада

7. Ишларни бажаришга қўйиладиган умумий талаблар, сифатни таъминлаш кўламига қўйиладиган талаблар, буюртма бериш натижалари учун сифатни таъминлаш даврига қўйиладиган талаблар:

7.1. Бажарувчи томонидан объектга ташриф буюриш Буюртмачи билан олдиндан келишилган ҳолда иш вақтида амалга оширилади.

Ташкилотнинг иш вақти: Душанбадан Жума кунига қадар, 8.00 дан 17.00 гача

7.2. Ишни бошлашдан олдин бажарувчи қўйидаги тайёргарлilikларни амалга ошириши керак:

7.2.1. Шартнома тузилган кундан бошлаб 3 (уч) кундан кечиктиримай, Буюртмачи худудига кириш ва Буюртмачи учун зарур бўлган брифингларни ўтказиш, ходимлар рўйхатини ва транспорт воситалари рўйхатини тузиш учун. ҳар бир автомашинанинг маркаси, модели ва давлат рўйхатидан ўтганлик белгисини кўрсатган ҳолда объект худудига кириш (Шартнома рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда)

7.2.2 Шартнома тузилган кундан бошлаб 5 (беш) кундан кечиктиримай, бажарувчи томонидан тасдиқланган Ишлар жадвалини Буюртмачига тасдиқлаш учун тақдим этиш.

7.3. Назорат ўлчови ўтказадиган ташкилотга қўйиладиган алохида талаблар:

7.3.1. Ташкилот мутахасисларининг назорат ўлчови ўтказиш учун лицензия ва сертификатларга эга бўлиши лозим.

7.3.2 Ташкилот ходимлари таркибида камида 3 та мутахасис 10 йилдан ортиқ ушбу соҳада

фаолият юритган бўлиши керак.

8. Ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва товарлами этказиб бериш муддатлари, этказиб беришни бошлаш ва тугатиш календар саналари, шартнома шартларини бажариш муддатлари:

8.1. Ишларни бажариш муддати - шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 иш куниданошмаган ҳолда.

8.2. Ишларни бошлаш вақти - шартнома имзоланган кун хисобланади.

8.3. Ишларни якунлаш вақти - белгиланган муддатнинг охирги санаси (танлов баённомасигаасосан).

9. Ишларни бажариш, кетма-кетлик босқичлари, жадваллар, шунингдек шартноманинг бажарилган шартлари усбун босқичма-босқич тўлаш тартиби.

9.1. Бажариладиган иш учун олдиндан тўлов (аванс) 30% берилади.

9.2 Бажарилган иш учун ҳақ тўлаш кўрсатилган хизматлар ҳажмини тасдиқловчи хужжатлар илова қилинган ҳолда Кўрсатилган хизматларни қабул қилиш далолатномаси Томонлар томонидан имзолангандан сўнг 5 (беш) банк куни ичida амалга оширилади.

Бажарди:

Т.Шокиров